

АБДУЛЛА РАШИДОВ

БАХТЛИ ОИЛА

Идеал

Уфа, 2012

АБДУЛЛА РАШИДОВ. HARRY FAMILY

© Идеал, Уфа, 2012

Uzbek language

ОИЛА НИМА?

Худо инсонни яратгандан сўнг, унга оилани ҳады қилди. Бу Худонинг инсонга берган биринчи ҳадяси эди.

Бугунги кунда инсонларнинг ҳаётида иш, тадбиркорлик энг муҳим аҳамиятга эга. Аммо Худонинг Сўзига қарайдиган бўлсак, ерда ҳали жамоат, иш, тадбиркорлик ва ҳаётнинг бошқа эзгуликлари бўлмаган пайтда, Худо оилани яратди. Бугун одамлар: «Олдин ҳаётдан роҳатланиб олайин, кейин турмуш қураман», деб ўйлайдилар. Худо оилани ярата туриб, бир ўзгармас ҳақиқатни билган эди — инсон фақат оилада роҳатланишга даъват этилган. Инсон ҳаққоний роҳатни айнан оилада сеза олиши мумкин.

Оила инсон учун дуо-барака ёки лаънат манбаи бўлиши мумкин. Оила сизнинг ҳаётингизни жаннатга, ёки дўзахга айлантириши мумкин. Ҳаммаси сизнинг оилага бўлган муносабатингизга боғлиқ. Бугун кўплаб ажрашаётган оилаларни учратамиз. Уларнинг тур-

муши муваффақиятсизликка учради. Улар одатда турмушдан ўринсиз бўлган нарсаларни кутадилар ва турган гапки, уларга эриша олмайдилар. Натижада эр ва хотин ажрашадилар. Аксарият одамлар: «Турмуш курсам ўз-ўзидан бахтли бўлиб қоламан», — деб умид қиладилар. Аммо бу энг катта ёлғон!

Никоҳнинг ўзи сизни бахтли қилишга қодир эмас. Муқаддас Китобда: «Мен никоҳга инсонни бахтли қилиш ҳокимиятини берман» деб ёзилган оят йўқ. «Инсонга ҳамма ҳокимият берилган», деб ёзилган. Сиз никоҳингизни бахтли қила оласиз, никоҳ сизни эмас. Одамлар никоҳ уларнинг барча муаммоларини ечишига умид қиладилар. Аслида, айнан мана шундай муносабат — оиладаги барча муаммоларнинг бошланишидир.

Айримлар бундай муаммоларга учрамаслик учун уйланмасликни афзал кўрадилар. Лекин Худонинг Сўзига қараганимизда, оила қуриш — бу Худонинг иродаси эканини кўрамиз. Одатда, одамлар турмуш қуриш кераклигини биладилар, аммо турмушда ўзларини қандай тутишни билмайдилар.

Ҳамма буюм белгиланган қоида бўйича ишлайди. Жумладан, биз дазмол сотиб олганимизда, у билан бирга, ундан фойдаланиш қоидалари кўрсатилган кўлланма борлигини кўрамиз. Ёки «Комбайн» машинасини олай-

лик. Комбайн жуда ҳам фойдали машина, у билан ғалла ўриб олиш мумкин. Мана шу машина ҳаётингизга қанчадан-қанча барака ва бахт олиб келиши мумкин. Лекин сиз ундан тўғри фойдаланишни билмасангиз, сиз учун бу машина фақат муаммо ва бахтсизлик олиб келади. Оилада ҳам худди шундайдир.

Оиланинг ҳақиқий механизми Муқаддас Китобда ёзилган. Худо Ўз Сўзида оила ҳақида жуда кўп гапирган. Оила мавзусидаги ҳақиқатларни Муқаддас Китобдаги Ибтидо Китобидан то Ваҳий Китобигача топиш мумкин. Шунинг учун ҳар битта киши Худонинг Сўзидаги оилага тааллуқли ҳақиқатларни билиши ва улар асосида оила қуриши лозим. Одатда, одамлар оиланинг Худо айтган механизмини билмагани ва уни ишга тушира олмагани учун, уларнинг оиласи Худо ваъда қилган баракаларни олиш ўрнига, муваффақиятсизликка учрайди. Қуйида мен сизга ушбу механизм ҳақида кенгроқ тушунча бермоқчиман.

Ҳақиқий эркакнинг хусусиятлари

Биринчи навбатда, мен эркакларнинг вазифалари ҳақида гапирмоқчиман. Ҳар битта йигит уйлангунига қадар «эркак» бўлиб етилиши керак. Чунки эркак бўлиб туғилмайдилар, эркакликка ўрганадилар. Аксарият кишилар

бутун ҳаёти давомида гўдак бўлиб қолаверадилар. Энг хайратланарлиси, бундай гўдаклар: «Мен уйланишим керак» дейдилар. Ёки уларнинг ота-оналари: «Ўғлимиз мактабни, олийгоҳни битирди, энди уни уйлантиришимиз керак», — дейдилар. Биласизми, бу йитит ҳали эркак бўлиб улгурганича йўқ, чунки унинг ҳаётида ота-онаси у учун қарор қабул қияпти. Ҳақиқий эркакнинг хусусияти Муқаддас Ёзувдаги Ҳикматлар Китобида ёзилган: «Шер барча ҳайвонлар ичида энг кучлиси, у ҳеч нимадан қочмайди» (Ҳик. 30:30).

Одатда эркак кишини шерга ўхшатадилар. Шундай бўлса-да, эркаклар хотинибилан ажрашганига, оиласини ташлаб кетганига, йитилар бошқа гўзалроқ қизни учратгани учун севгилисидан воз кечганига гувоҳи бўламиз. Бу шернинг хусусияти эмас. Худо эркак кишига: «Ҳеч қачон йўлингдан чекинма», — дейди. Худонинг кишиси, қандай муаммолар юз бермасин, ортига қайрилмайди.

Ҳақиқий эркак мард ва жасур бўлиш билан бир қаторда, муқаддас бўлиши лозим.

Муқаддаслик ва поклик — эркак кучининг кўрсаткичидир. Нега бизнинг халқимизда қайнона, қайнота, хола, амма биринчи кеча келиннинг бокиралигини текширадилар-у, куёв бола уйлангунигача қанча аёллар билан юрганидан кўз юмадилар? Оиладан ташқаридаги

жинсий алоқа аёл киши учун ҳам, эркак киши учун ҳам Худонинг қаршисида гуноҳ ҳисобланади. Ўз ҳирсини тия олмайдиган эркак бахтли оила қура олмайди. Яна ҳақиқий эркак ҳақида воиз Эдвин Коул: «Ҳақиқий эркак Исо Масиҳдек пок бўлиши керак», — деган эди. Фақат ҳақиқий эркак хиёнатдан ўзини тия олади. Бундай эркак келажакда Худонинг кўмаги билан мустақкам оила қуришга лаёқатли бўлади.

Ҳақиқий эркак мустақил равишда қарор қабул қилишга қодир бўлиши керак. Агар у Исо Масиҳнинг орқасидан эргашмоқчи, жамоатга қатнамоқчи, Худога хизмат қилмоқчи бўлса, унинг бу қарорини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Худонинг хизматидан узоқлашадиган киши шунчаки хизматдан узоқлашмайди, балки, ҳақиқий эркакликдан узоқлашади. Жамоатдан дунёга кетган киши ўзининг эркаклик қадр-қимматини йўқотади. Эркак киши ўзининг кучини намоён қилиши керак. У кучини хотинига қарши эмас, шайтон ва руҳий дунёга қарши ишлатиши лозим. Бу шернинг хусусиятидир.

Эркакларнинг ҳаётидаги бешта босқич

Эркакларнинг ҳаётида, биринчи навбатда, ёш боланинг вояга етиш жараёни содир бўла-

ди. Вояга етганлик фақат ёшга қараб эмас, балки боланинг дунёқарашига ва фикрлашига қараб белгиланади.

Иккинчидан, вояга етган йигитларнинг эркак бўлиш даври келади. Кўпинча, қирқ ёшга кирган кишиларнинг ёш боладек фикрлаганини кўришимиз мумкин. Олтмиш ёшли бобойлар бир-бири билан бир нарсани бўлиша олмаётгани ҳам гўдакларнинг ҳаракатларидан фарқ қилмайди. Худди шусингари, ёши катта аёллар ҳам, худди боғчага борадиган қизчалардек: «Мен сен билан гаплашмайман», — деганини ҳам учратишимиз мумкин. Аслида, етукликка эришиш учун гўдакликдан воз кечиш лозим.

Учинчидан, энг оғир босқичлардан бири, эркакларнинг эр бўлиш босқичи келади. Уйланган эркаклар: «Мен эркакман», — дейдилар. Йўқ, уйланган кишилар яна янги номга эга бўладилар. Улар энди фақат эркак эмас, балки «эр» номига ҳам эга бўладилар. Эрдеган номи инсонни бутунлай ўзгартириши лозим. Атрофдаги одамлар эр бўлганингизни сезиши керак.

Тўртинчидан, инсоннинг ҳаётидаги қатъий ўзгариш — бу эркак оталик босқичига ўтганида содир бўлади. Худонинг Сўзи: «Сизларнинг устозларинг кўп, аммо оталаринг кам», — дейди (1 Кор. 4:15). Одам боласига ақл ўргатиш-

ни билиши мумкин, аммо унга нисбатан оталик юрагига эга бўлмаслиги мумкин. Оталар фарзандларига яқин дўст бўлишлари, уларнинг ҳаёти учун жавобгарликни ўз зиммасига олишлари лозим.

Бешинчи босқич — бу эркакларнинг бобо бўлишларидир. Сиз айтишингиз мумкин: «Бобо бўлиш қийин эмас, йиллар ўтиши билан боболик ҳам ўзи келаверади». Йўқ, аслида, ўғлини ҳақиқий ота қилиб етиштира олган киши ҳақиқий бобо номига эга бўлади. Ўз ўғлини мустақил ҳаётга ва эркакликка ўргата олган киши бахтли бободир.

Биз эркакларнинг ҳаётидаги бешта босқични кўриб чиқдик. Афсуски, айрим кишилар ёши нечада бўлишига қарамай, ёш бола бўлиб қолаверадилар.

Энди турмушга чиқишга тайёрланаётган қизлар ҳақида гапирмоқчиман. Ҳақиқий аёл ҳеч қачон ва ҳеч ким ерга топташни истамайдиган гулга ўхшайди. Аёлнинг «қуроли» нима? Унинг қуроли — аёллик назокатидир. Кўпинча, ўзларини худди эркаклардек тутадиган қизларни учратамиз. Бундай қизлар эркаклардек кучли бўлиш учун шундай қиладилар, аммо бу билан ўз аёллик «куч»ларини йўқотадилар. Бугунги кунда икки нарса йўқолиб бормоқда: бириси, аёллар ўзларининг аёллик назокатини, ҳаё-ибосини йўқо-

тиши бўлса, иккинчиси, эркаклар ўзларининг эркаклик хусусиятларини йўқотмоқдалар.

Малика Эстер аёллик назокати билан душманнинг устидан ғалаба қозонди ва Худонинг кучи билан Исроил халқини қутқариб қолди. Бу нарсага у танишлари орқали эришгани йўқ, балки ўз кучи орқали эришди.

Аёл киши барча учун ёпиқ сир ва фақат биргина инсон учун бутунлай ошқора бўлиши керак. У ўз-ўзини тўлиқ англаши, ўз қадр-қимматини билиши ва ўзига ишончи бўлиши лозим. Одатда, қизлар ўзларини бахтли бўлишга нолайиқ ва хунук ҳисоблайдилар. Шунинг учун, биринчи хушомад қилган йигитнинг орқасидан югуриб кетадилар.

Яна шайтон сизни: «Сен ҳеч кимга керак эмассан», — деб алдайди. Бу ёлғон! Худо ҳар бир аёлни ўзига хос ажойиб қилиб яратган. Худо сизга берган қобилиятлар ва инъомлар бошқаларда йўқ. Кўплаб қизлар бошқаларга ёқиш учун ташқи кўринишларини ўйлаб қайғурадилар, озиш ниятида таналарини азоблайдилар. Аммо аёлларнинг биринчи ўринда ички дунёлари чиройли бўлиши керак. Жамиятимизда соҳибжамол, лекин аҳмоқ қизлар кам эмас. Шунинг учун бошқаларга ўхшашга уринманг. Агар сиз атиргул бўлсангиз, чиннигулга ўхшашни орзу қилманг. Аслида ҳар бир эркак нафақат ташқи кўриниши чиройли, шу-

нингдек, аёллик назокатига эга бўлган қизни топишни истайди.

«Чиройли ва аҳмоқ аёл бурнига тилла узук тақилган чўчқага ўхшайди» (Ҳик. 11:22). Яна Муқаддас Ёзувда доно ва аҳмоқ аёллар ҳақида етарлича оятларни топишимиз мумкин.



ТАНЛОВ ВА НИКОҲ

Кейин Раббий Худо: «Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, унга муносиб ёрдамчи яратаман», — деди. Раббий Худо тупроқдан барча даладаги ҳайвонларни, барча осмондаги қушларни ясаб, одам уларга қандай ном беришини кўриш учун унинг олдига олиб келди. Одам ҳар бир тирик жонни қандай атаса, унинг номи шундай бўлди. Одам барча чорвага, барча осмондаги қушларга ва барча даладаги ҳайвонларга ном берди, лекин одамга муносиб ёрдамчи топилмади. Шунда Раббий Худо одамни қаттиқ уйқуга солди. У ухлаб қолгач, унинг қовурғаларидан биттасини олиб, ўрнини эт билан қоплади. Раббий Худо одамдан олган қовурғадан хотинни яратди ва уни одамнинг олдига олиб келди. Одам эса: «Бу — менинг суякларимдан суяк ва менинг этимдан этдир. У хотин деб аталади, чунки эрдан олинган», — деди (Ибт.2:18–23).

Кўриб турганимиздек, Одамнинг ўзи қарор қабул қилди. Ҳеч ким Одамни мажбурлама-

ди. Худованд Момо Ҳавони яратди ва Одамнинг олдига олиб келди. Одам уйғонганда Момо Ҳавони кўриб, уни севиб қолди ва шундай деб хайқириб юборди: «Бу — менинг суюкларимдан суюк ва менинг этимдан этдир. У хотин деб аталади». Кўп йигитлар масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқиб, «Эй Худо, кимга уйланишим кераклигини Ўзинг менга кўрсат», — дейдилар. Эртага бирон-бир муаммо чиққанда эса: «Эй Худо, нима учун сен менга бундай хотинни бердинг?» — деб, Худони айблайдилар. Худо ҳар бир кишига ўз яримтасини топишда ҳам танлаш ҳуқуқини берган. Муҳими, Муқаддас Ёзувда айтилганлари бўйича умр йўлдоши ташлашимиз керак.

Агар қиз болага турмушга чиқишни таклиф қилаётган йигитнинг табиати, ҳаёт тарзи, мақсадлари ёқмаса ва мана шу йигит билан бутун умр яшашни ўзича тасаввур қила олмаса, қиз бола унга «йўқ», — дея олиши керак. Рад жавобини эшитган қиз ёки йигит бу жавобни тўғри қабул қилиши лозим. Сиз ёқтирган қиз ёки йигит сизнинг таклифингизни рад этгани учун ҳаётдан умидни узиш, жамоатдан кетиш, хизматни ташлаш, одамлардан хафа бўлиш ва нафратланиш ярамайди. Битта қиз ёки йигит сизнинг таклифингизни рад этгани — бу «бутун дунё сиздан юз ўгирди», дегани эмас.

Муқаддас Ёзувдаги яна бир муҳим оятни сизга кўрсатмоқчиман: «Ўтиниб сўрайман, Иерусалим қизлари, севгилимни, унинг ўзига маъкул бўлган вақтгача уйғотманглар ва безовта қилманглар» (Қўш. Қ. 8:4).

«Уйғотманглар» сўзининг маъноси нима? Бунинг маъноси шуки, ҳеч кимнинг бошқа кишига: «Мана шу йигит сенга тўғри келади», «Мана бу қизга уйлан», — деб айтишга ҳақи йўқ. Ҳар бир кишининг юраги белгиланган кишига, ўз вақтида уйғониб, фақат ўзи қарор қилиши керак. Бизнинг маданиятимизда, каттадан тортиб кичиккача ёшларга кимга турмушга чиқишни ва кимга уйланишни ўргатишади. Ҳар битта айтилган сўз экилган уруғдир. Бизга бошқаларнинг ҳаётига нотўғри уруғларни экиш ва бошқанинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқи берилмаган. Ҳаттоки, Худо ҳам инсонни мажбурламайди.

Қайси ҳолатларда бахтли оила қуришга кафолат йўқ?

Ҳаётингизни имонсиз киши билан боғламанг

Ёдингизда бўлсин! Жамоат сизга имонсиз билан турмуш қуришни таъқиқламайди. Жамоат фақат Худонинг муносабатини кўрса-

тади ва имонсиз билан қурилган никоҳнинг оқибатларидан хабардор қилади. Худонинг Сўзи бу борада нима дейди? Ҳакамлар Китоби 13–16-бобларда Самсон исмли Исроилнинг ҳаками ҳақида ёзилган. У бегона қабилалик қизга уйланди, натижада, бошқа худоларга сажда қиладиган ўша хотини унинг ўлимига сабабчи бўлди.

Ибтидо Китобининг 24-бобида, Иброҳим ўғлига келин танлаш учун ўз қулини юбораётиб, ўғлининг хотини бегона халқдан бўлмаслиги кераклигини уқтирди. Бегона халқ дейилганда, биринчи навбатда, сиз каби имонли бўлмаган киши ҳақида гап кетмоқда. Танлаганингиз сиз ишонган Худога ишониши жуда муҳим.

Имонсизлар билан бирга ўзга бўйинтуруққа қўшилманглар. Зеро ҳақлик ва қонунбузарлик орасида қандай алоқа бор? Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бор? Масиҳ билан Белиар орасида қандай мувофиқлик бўлиши мумкин? Ёки имонли билан имонсиз орасида қандай шериклик бор? Худонинг маъбади билан бутлар орасида қандай келишув бор? Сизлар эса барҳаёт Худонинг маъбадисизлар. Худди Худо айтганидек: «Мен уларнинг ичиди жо бўлиб, уларда юраман. Уларнинг Худоси бўламан, улар эса Менинг халқим бўладилар. Шунинг учун уларнинг орасидан

чиқинглар ва улардан ажралинглар, — дейди Раббий, — нопокка қўл тегизманглар, шунда Мен сизларни қабул қиламан» (2 Кор. 6:14–17).

Одатда имонсиз йигитга турмушга чиққан қизнинг аҳволи қуйидагича бўлади: Худонинг Сўзини ўқиган, руҳий қонун — қоидаларни тушунадиган, ҳақиқатни биладиган Масиҳий қизга бир имонсиз йигит турмушга чиқишни таклиф қилади. Ҳаётида Худога ўрин йўқ бўлган инсоннинг юрагида қолган ҳамма нарсага ўрин бор: ичиш-чекиш, хотинига хиёнат қилиш, ёлғон гапириш, ўз манфаатини ўйлаш, уриш, мажбурлаш ва бошқалар. Аммо қиз бола қулоқлари билан севгани учун, йигитнинг икки оғиз айтган ширин сўзлари-ю, тоғдек ваъдаларига ишонади.

«Худо шу йигитга турмушга чиқишимни истайди, бу менинг ибодатларимнинг жавоби», — деб, ўша йигитга турмушга чиқади. Тўғри маслаҳат берган биродар ва опа-сингилларини, «менга ҳасад қилипти», — деб ўйлаб, улардан ҳам, жамоатдан ҳам воз кечади. Тўйдан кейин тез орада танлаган кишисининг асл қиёфасини кўра бошлайди. Энди у ширин сўзларнинг ўрнига ҳақорат, мазах, ёлғон эшита бошлайди. Афсуски, тўйдан олдин жонини ҳам беришга тайёр бўлган куёв бола энди дўстлари билан кўчадан уйга келмайди-

ган киши эканлигини, хотинидан фақат фойдаланаётганлигини, ўзининг қанчалик бахтсизлигини англаб етганини у кеч пайқайди.

Кўп қизлар имонсиз йигитни севиб қолиб: «Аввал турмуш қурайлик, кейин эримни жамоатга олиб келаман», — деб айтади. Аммо 95% кишиларнинг ҳаётида акси содир бўлади. Чунки имонсизга турмушга чиқиб, имонли ўзининг нурини йўқотади. Бу дунёнинг руҳи қатъийлик билан жамоатга боришни ва Исо Масиҳга ишонишни таъқиқлайди. Аксарият кишиларнинг бу қаршилиқни имон билан енгиб ўтишга қурби етмайди.

Вояга етмаган киши билан оила қуришга шошилманг

Ижтимоий кузатишларнинг натижаси шунни кўрсатадики, йигирма ёшга тўлгунларича қурилган оилаларга қараганда, йигирма беш ёшдан сўнг қурилган оилалар орасида ажралишларнинг сони камроқ. Чунки ҳали онги, дунёқарашни, ёши етук бўлмаган кишилар оила қанчалик жиддий масала эканини тушунмайдилар. Улар учун оила — тўй ва оқ кўйлакни билдиради. Бундай кишилар келажакда яхши она, яхши ота бўлиш у ёқда турсин, яхши эр ва хотин бўла олмайдилар. Бизнинг маданиятимизда ўн саккиз ёшга етар-ет-

мас ёшларнинг бошини боғлашга тушадилар. Ўн саккизга кирган бола оила масъулиятини зиммасига олишга тайёр дегани эмас.

Айрим қайноналар: «Келинни ёш пайтида, эртароқ олайлик», — дейдилар. «Олайлик» сўзи нимани билдиради? Агар қайнона ўзига хизматкор олмоқчи бўлса, у ниятига эришади. Аммо бу қиз унинг ўғли учун ҳеч қачон яхши хотин ва яқин дўст бўла олмайди. У ҳам келин бўлиб тушган кунидан бошлаб, келажақда қайнона бўлишга тайёрланиб яшайди. У болаларига ва эрига керакли аёл бўла олмайди, балки қайнонасининг ўрнини эгаллаш учун унинг ўлимини кутиб яшайди.

Бизнинг маданиятимизда яхши одатлар жуда кўп. Аммо болаларни эрта уйлантириш — бу тўғри одат эмас. Инсон мустақил равишда оила тебрата олиши учун биринчи ўринда маънавий етук бўлиши керак. Бунинг учун вақт керак, у олийгоҳда ўқиши, инсон сифатида ривожлана оладиган жойда ишлаши керак.

Фақат жинсий эҳтиёжларни қондириш учун турмуш қурманг

Ҳеч қачон жинсий алоқани севги билан адаштирманг. Бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилади. Агар сиз севги эмас, фақат жин-

сий алоқаларга эҳтиёж борлиги учун турмуш курсангиз, оилангиз эртами-кечми бузилиб кетади. Чунки оила қуришнинг мустаҳкам пойдевори — бу севгидир. Севги инсонга нисбатан юракнинг муносабатидир. Жинсий алоқа эса бор-йўғи тана хоҳиши ҳисобланади. Тана одатда, бошқаларни эмас, фақат ўзини яхши кўради.

Юрак билан инсон бошқаларни севишга қодир. Юракнинг қарори узоқ муддатга эга, тана хоҳиши эса деярли ҳар куни ўзгариб туради. Эр-хотинлик жинсий алоқадан кўра, юқори-роқ руҳий қадриятларга асосланиши керак.

Ҳаётингиздаги муаммолардан халос бўлиш умидида оила қурманг

Одамларнинг «қари қиз» дейишидан қўрқиб ёки ота-онангиздан қочиш учун турмушга чиқманг. Агар турмушга чиқишдан олдин сизни одамларнинг фикри хавотирга солса, тўйдан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Тўйдан сўнг, бир ойдан кейин ҳомиладор бўлмасангиз одамлар: «Бу хотин туғмас экан», — дейдилар. Болангиз дунёга келгандан кейин, бирон кун йиғлаб қолгудек бўлса: «Болага қарашни билмас экан», — дейдилар.

Одамлар: «Отасининг уйида ўтириб қолган», — десалар, бу ёлғон. Чунки ота-онангиз-

нинг уйида хоҳлаганингизда жамоатга борасиз, Худога хизмат қиласиз, ўқийсиз, ишлайсиз. «Ўтириб қолиш» эрникига борганда бошланади. Одатда келинлар эр уйига кираётиб, бир қўлига супурги, бир қўлига хокандоз олиб киради ва кейин ўша уйдан қайтиб чиқмайдилар.

Арманистонда тўйга келган меҳмонлар келинга эри билан ресторанга бориш учун байрамона кўйлак эмас, уйда иш қилиш учун киядиган халат совға қиладилар. Келин бу халатни то ҳомиладор бўлгунича уйда кийиб юради. Хотини ҳомиладор бўлганидан сўнг, эрига: «Хотинингни тоза ҳавога чиқариб тур», — дейишади. Бу худди итларни сайрга чиқариб туришга ўхшайди.

Ҳеч қачон муаммолардан қочиш учун оила қурманг. Агар турмуш қуришдан олдин муаммоларни ҳал қилишни уддалай олмаган бўлсангиз, турмуш қурганингиздан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Боз устига, никоҳ сизга икки баробар муаммолар келтириши мумкин. Аввал сиз фақат ўзингизнинг муаммоларингиз устида бош қотиришингизга тўғри келган бўлса, оилада энди бир неча кишининг муаммолари устидан бош қотиришингиз керак бўлади.

Пул ва мансабга эга бўлиш учун турмуш қурманг

Унутманг, нима мақсадда турмуш қураётган бўлсангиз, ўша нарсага эришасиз. Бойлик ниятида оила қурсангиз, сизда уй, машина, пул, яхши кийим бўлади. Аммо оилада энг керакли севги, турмуш ўртоқларнинг бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши, бахт бўлмайди. Баъзи йигитлар: «Отаси бой қизга уйлансам, ҳаётим ўзгаради», — деб ўйлайдилар. Уларнинг ҳаётлари ўзгаради, фақат салбий томонга ўзгаради.

Мол-мулк ва буюмга уйланманг, турмушга чиқманг, шахсга уйланинг, шахсга турмушга чиқинг. Худо ўз вақтида керакли бойликни беради. Мансабдорга турмушга чиқманг, инсонга турмушга чиқинг. Уйда сизга министр, банкир, тадбиркор, ҳарбий керак бўлмайди. Уйда хотинга эр, болаларга эса ота керак бўлади. Жамоатда ҳам сиз танлаган киши чўпон ёки воиз бўлиши шарт эмас. Ҳамма яхши инсонлар фақат воизлар эмас. Бошқа хизматкорлар ҳам яхши эр ва хотин бўла олиши мумкин.

Аслида, оилада турмуш ўртоқлар бир-бирларига ишда, хизматда юқори чўққиларга эришишда, бу ҳаётда ўз ўрнини топишда, ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилишда кўмаклашишлари керак.

Тўйдан кейин ўзгаришга ваъда берадиган инсон билан оила қурманг

Йигитлар қиз болага ёлғизлигидан, сиқилганидан ичаётганини, чекаётганини, уйланган заҳоти буларни ташлашини ваъда беради. Бу ёлғон! Ичиш, чекиш, гиёҳвандлик, ўғрилиққа ўхшаш ёмон нарсаларга боғлиқлиги бор одамни тўй ва хотин қутқара олмайди. Уни фақат Худо озод қила олиши мумкин. Бунинг учун инсон чин юракдан ўз заифлигини тан олиб, Худодан ёрдам сўраб келиши керак.

Қизлар кўзларидан пушти ранг кўзойнақларини ечиб, шароитга реал қарашлари керак. Агар бутун умр безори, ичувчи, гиёҳванд билан яшашни истасангиз ўша йигитга турмушга чиқинг. Лекин зинҳор «тўйдан кейин ўзгараман», — деган ваъдаларига ишонманг. Одамларнинг тўйгача ўзгаришига кўпроқ умид бор. Чунки тўйдан кейин инсон ниятига етди, энди ҳеч нарса билан курашишнинг, кимгадир ниманидир исботлашнинг ҳожати йўқ.

Ўта даражада рашкчи киши билан ҳаётингизни боғламанг

Инсондаги рашк туйғуси табиий ҳолдир. Худо ҳам бизни рашк қилиб севади. Аммо

меъёридан ортиқча рашк оиланинг тўғри шаклланишига халақит беради. Биласизми, нима учун? Ортиқча рашк кишида турмуш ўртоғига нисбатан ишончсизликни билдиради. Ўз хотинининг ёки эрининг содиқлигига ишонадиган инсон юраги рашқдан қийналмайди.

Ортиқча рашк кўпгина жанжалларга олиб келади. Рашк сабабли одамлар ажралишгача, ҳатто қотилликкача борадилар. Турмуш ўртоғининг танишлари ёки кўчадаги нотаниш одамлар у ёқда турсин, телевизорда чиқаётган одамлардан ҳам рашк қиладиган кишиларни «соғлом» деб бўлмайди. Бу касаллик бўлиб, оиладаги муносабатлар учун хавфли ҳолат ҳисобланади.

Ўзингизга мос бўлмаган киши билан оила қуришни орзу қилманг

Ҳаёт тарзи ва дунёқараши сизникига мос келадиган киши билан оила қуриш. Кўпинча миллати, моддий ҳолати, маълумоти, маданияти сизникидан тубдан фарқ қиладиган инсонни тушунишингиз қийинроқ бўлади. Агар сизнинг жамоатдаги хизматингиз жиддий бўлса, яхшиси, сизнинг даражангизда хизмат қиладиган киши билан турмуш қуриш. Чунки инсоннинг ҳаёт тарзиқандай бўлса, шунга

яраша фикрлайди, гапиради ва ҳаракат қилади.

Сиздан ҳар томонлама фарқ қиладиган инсоннинг ҳаётида сиз қардлайдиган нарсалар қадрсиз, сизнинг хоҳишларингиз у учун тушунарсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда бахтли яшаш учун икки кишидан бири ўзиникини қўйиб, турмуш ўртоғининг маданиятини ва даъватини қабул қилишига тўғри келади. Бунга ҳамма ҳам рози бўла олмайди.

Оила қуриш

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оила бу — инсон ўрганиши керак бўлган механизм. Оила қурмоқчи бўлган кишини олийгоҳга кирмоқчи бўлган абитуриентга ўхшатиш мумкин. Ўрганишни истамайдиган киши бахтли оилага эга бўла олмайди. Бизнинг халқимиз оила ҳақида гап кетганда: «ўзим биламан», — деб айтишдан нарига бормайдилар.

Ўрганишнинг ўрнига «ўзим биламан» деб айтиш мағрурликнинг белгисидир. Худонинг Сўзида шундай дейилган: «Кимдир бирон нарсани биламан, деб ўйласа, у ҳали ҳеч нарсани билиши керак бўлган даражада билмайди» (1 Кор. 8:2).

Оиланинг асосчиси ва муаллифи Қудратли Худованддир. Шунинг учун оила мавзусини Унинг Сўзидан ўрганамиз.

«Шунинг учун эркак ўз ота-онасини қолдириб, хотинига ёпишади ва улар бир тан бўладилар» (Ибт. 2:24). Бу оятдаги энг муҳим ҳақиқат бу — инсон ўз оиласини қураётиб, ота-онасини қолдиришидир. Бизнинг маданиятимизда асосан икки сабабга кўра янги оила ота-онасининг уйида яшайди.

Биринчи сабаб — қўрқув: «Ота-онамизсиз Қандай яшаймиз?» Худонинг Сўзи: «Нима еймиз? Нима ичамиз? деб, ҳеч нарсадан ташвишланманглар», — дейди (Мат.6:31). Икки ёш ўз оилаларини таъминлаш учун ўзлари масъулиятини ўз зиммаларига олишлари керак.

Иккинчи сабаб — ота-онанинг худбинлиги: «Менинг фарзандим мен билан яшаши керак».

Ота-оналар фарзандларини бошқа бўлга солиб, дейдилар: «Алоҳида яшашни хоҳласанг, кетавер, кўрамыз қай аҳволга тушар экансан. Бир йил ўтмай йиғлаб келасан ёнимизга». Улар шу тарзда фарзандларини ўзлари мустақил равишда ҳаётларини бошлашларига йўл бермайдилар. Бу ота-она меҳрибонлигига кирмайди. Улар мана шунга ўхшаш гаплар билан ёшларни оиласи учун қурашишда нофаол қилиб қўяди.

Энг тўғри йўл — ота-она фарзандларини мустақил ҳаётни бошлашда уларга оқ йўл ги-

лашларидир. Сиз ҳам ота-она сифатида оилавий ҳаётни бошлаш бўсағасида қийналгандирсиз, хатоларга йўл қўйгандирсиз? Аммо шу кунгача Худо сизга қўмакчи бўлиб келган. Худди шу сингари, фарзандларингизни ҳам У ташлаб қўймайди.

Аксарият одамлар битта катта оила тузишни истайдилар. Бу оилада битта эркак бошчилик қилади, қолган барча ўғиллар ва келинлар шу бошлиққа бўйсундилар. Бу Худо айтган оила тузилишига тўғри келмайди. Ҳар бир эркак ўзининг оиласида бошлиқ бўлиши керак.

Оилавий муносабатларнинг уч йўналиши

Мустаҳкам оилада муносабатлар уч йўналишга эга. Агарда улардан бирортаси бўлмаса, оилавий муносабатлар касодга учрайди. Инсон уч қисмдан: тана, жон ва руҳдан иборат. Шунга кўра, тана — жинсий муносабатларга, жон — ўзаро суҳбатга ва руҳ — биргаликдаги ибодатга муҳтождир.

Жисмоний, жинсий муносабатлар

Жинсий муносабатлари жойида бўлмаган эр-хотинлар бир-бирларини тушунмаслик ту-

файли тинимсиз уруш-жанжал кўтарадилар. Худо оилани яратиб, инсонга топшириқ берди: «Ҳосил келтиринглар ва кўпайинглар, ер-юзини тўлдириглар» (Ибр. 1:28). Ҳаворий Павлус эса шундай дейди: «Эр ўз хотинига нисбатан ҳамда хотин ўз эрига нисбатан лозим бўлган илтифотни кўрсатсин. Бир-бирингиздан бош тортманглар. Агар фақат ўзаро келишсангиз, унда ўзингизни рўза ва ибодатга бағишлаш учун вақтинча айириб туринглар. Кейин эса яна бирга бўлинглар, токи ўзингизни тия олмаганингиздан шайтон сизларни васваса қилмасин» (1 Кор. 7:3,5).

Муқаддас Ёзув бу ерда эр-хотин ўртасидаги жинсий муносабатлар ҳақида гапирмоқда. Нима учун бу муҳим? Чунки Яратган Ўз ижодининг эҳтиёжларини билади. Эр-хотин учун жинсий ҳаёт муҳим аҳамиятга эга. Эр-хотиннинг ётоғи муқаддас бўлиши керак. Энди тасаввур қилиб кўринг: икки хонали уйда икки ёки учта оила фарзандлари билан истиқомат қилса, эр-хотиннинг жинсий муносабатларига чек қўйилади ва бундай ҳолат оилаларнинг бузилишига олиб келади.

Руҳий муносабатлар

Руҳий муносабатлар оилада жисмоний муносабатлардан ҳам муҳимроқдир. Эр-хотин-

нинг ўзлари ёқтирган мавзуда суҳбат қуриши, бир-бирлари ҳақида гаплашиши — руҳий муносабатларга киради. Эри ишдан қайтгандан кейин футбол гўғрисида, хотини эса телесериаллар гўғрисида суҳбатлашишлари керак эмас, балки иккаласи бир-бири билан юракдан самимий суҳбат қуришлари лозим.

Эр-хотин ўзаро суҳбат учун алоҳида вақт ва шароит яратишлари муҳим. Юракдан суҳбатлашиш — бу фақат муаммоларни гапириш эмас, балки эр-хотин бир-бирини руҳлантириши, кўнглини кўтариши, мақташи, биргаликда орзу қилишидир.

Маънавий муносабатлар

Маънавий муносабатлар оиланинг пойдевори ҳисобланади. Эр-хотин бир-бири учун, фарзандлари ва оиладаги муаммолар учун биргаликда ибодат қилишлари керак. Ҳеч нарса оилани ибодатчалик мустаҳкам бирлаштира олмайди. Чунки биргаликдаги ибодат вақтида Муқаддас Рухдагн ҳақлик, тинчлик ва қувонч оила аъзоларининг қалбларини тўлдиради.

Агар мана шу учта: жинсий, руҳий ва маънавий соҳаларда тартиб бўлса, эр-хотин очликда ҳам, тўқликда ҳам тинч-тотув, меҳр-оқибатлиб ўлиб яшайдилар, ҳаёт умуман бошқача маънога эга бўлади.

СЕВГИНИНГ БЕШ ХИЛ ТИЛИ

Америкалик инсон билан суҳбатлашиш учун, биз инглиз тилини билишимиз керак. Эр хотини билан суҳбатлашиши учун эса севги тилини билиши лозим. Севгининг бешта тили мавжуд. Нима учун бу нарсалар ҳақида ёзяман? Тунги клубларда сохта севгига ўргангандан кўра, жамоатда ҳаққоний севгига ўрганиш керак. Агар сизга эр-хотин муносабатлари ҳақида ота-онангиз ўргатмаган бўлса, сиз кўчадан бузуқ муносабатларни ўрганмаслигингиз учун, мен сизга Худонинг Сўзида оила учун ёзилган муносабатларни ўргатишни истайман.

Биз ҳаммамиз бахтли оилага эга бўлишни истаймиз, аммо бунинг учун меҳнат қилишни истамаймиз. Шунчаки осмонга қараб: «Олма пиш, оғзимга туш», — деб ўтириш ярамайди. Шундай қилиб, севгининг беш хил тили қуйидагилар:

Мақтов

Мақтов — севгининг тили ҳисобланади. Аёллар «қулоқлари билан севадилар». Хотин-

нингиз доим сизнинг ширин сўзларингизга, мақтовларингизга муҳтождир. Улар кўпроқ сизнинг севгингизни кўришдан ҳам кўра, эшитишни ёқтирадилар. Тўйдан олдин «севаман» деб айтганингиз камлик қилади. Ҳар куни имкони борича кўпроқ хотинингизни яхши кўришингизни айтинг.

Совға

Совға — севгини намоён қилишнинг энг осон йўлидир. Фақат саккизинчи март ва хотинингизнинг туғилган кунида совға қилиш етарли эмас. Албатта, ҳар куни қиммат совғалар ҳадя қилиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Кичик бўлса ҳам, муҳими юракдан чиқариб берилган совға хотинга олам-олам қувонч бағишлайди.

Бағрига босиш

Ҳар сафар хотинингизни бағрингизга босганингизда, у сизнинг қўллаб-қувватлашингизни ва гасаллинини ҳис қилади. Сизни кучли қўлларингиз унинг нозик юрагига далда беради.

Алоҳида ажратилган вақт

Кўпинча эркаклар уйда ўз ишлари билан машғул ёки телевизор кўриб ўтириб: бўлиб «мен хотиним билан бирга уйдаман», деб билдилар. Аммо хотин учун алоҳида вақт ажратиш керак: уни эшитиш, унга ёрдам бериш

дозим. Агар хотинга эътиборингизни қаратмасангиз, шунчаки сизнинг ҳозир бўлишингиз камлик қилади.

Уй ишларида ёрдамлашиш

Бир куни, менинг хотиним жуда банд пайтида, ўзим чангютгични олиб уйни тозалашни бошладим. Шу вақт уйга бир дўстим меҳмонга келди ва кўзлари косасидан чиққудек бўлиб менга ва чангютгичга қараб қолди. Мен шу заҳоти у ҳеч қачон хотинига уй ишларида ёрдам бермаганини тушундим. Бир пайтлар мен ҳам ўша дўстимга ўхшаган инсон эдим. Худо мени ўзгартирди, ҳозир Худонинг Сўзи бўйича ҳаракат қиламан. Имкони бўлганида уй ишларида хотинингизга ёрдам берсангиз бу уят ҳисобланмайди. Агар хотинингизни севсангиз ва уни доим бахтли кўришни истасангиз, юқорида санаб ўтилган севгининг тилларидан вақти-вақти билан фойдаланиб турунг.

Шунингдек, Муқаддас Китобда ҳаққоний севги ҳақида шундай деб ёзилган: «Мен инсонларнинг ва фаришталарнинг тилларида гапирсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, жаранглайдиган мис ёки янграйдиган кимбалдирман. Агар пайғамбарчилик инъомига эга бўлсам-у, бор билимларни ва бор сирларни тушунсам, агар тоғларни кўчирадиган бор имонга эга бўлсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, мен ҳеч

нарса эмасдирман. Агар бор мол-мулкимни тарқатиб юборсам, ҳатто танамни ёндиришга топширсам-у, лекин севгига эга бўлмасам, бундан менга ҳеч қандай фойда йўқдир. Севги узоқ сабр-тоқат қилади. У меҳрибонлик қилади. Севги ҳасад қилмайди, севги кеккаймайди ва мағрурланмайди. Севги бебошлик қилмайди, ўз манфаатини изламайди, тез аччиқланмайди ва ёвузликни ўйламайди. Севги ноҳақликка қувонмайди, аксинча, ҳақиқатга севинади. Севги ҳамма нарсани кўтаради, ҳамма нарсага ишонади, ҳамма нарсага умид қилади, ҳамма нарсага бардош беради. Севги ҳеч қачон тугамайди» (1 Кор. 13).

Одатда аёллар ҳам, эркеклар ҳам оилада севгини намоён қилиш учун муаммолардан ортиб, вақт етишмаслигини баҳона қиладилар. Биз ишдан қайтаётганимизда, ишдаги ҳамма муаммоларни ишхонада қолдириб келишга ўрганишимиз керак.

ОИЛАДАГИ ТАБИИЙ ЭҲТИЁЖЛАР

Уйдаги шароитнинг қулайлиги

Уйдаги шинамлик, илиқ муҳитни яратиш, кўп ҳолларда хотиннинг вазифасидир. Хонадоннинг файзи уйдаги саранжомлик, тозаликдан бошланади. Ҳар бир аёл ўз оиласи учун керакли қулайликни яратишга ҳаракат қилиши зарур. Эр ишдан қайтганда, хотини мазали овқатлар тайёрлаб, уйни безатиб, фарзандларини тартибга ўргатган ҳолда кутиб олса, у ҳар доим ишдан уйига шошиладиган бўлади.

Ўзаро самимий муносабатлар

Аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ ҳиссиётга эга. Хотин киши ўз эҳтиёжини ва муҳтожлигини эрига очик айта олмайди. Эри эса унинг юрагидаги сирли хоҳишларни ўқий олмайди. Бундан кейин хотини: «Мени эрим тушунмайди», — деб, ундан хафа бўлиб юради. Бундай ҳолда ўзаро самимий муносабатлар-

ни қуришнинг имкони йўқ. Эрингиздан бирон нарсани истасангиз, бу ҳақда унга очиқ айтишингиз керак. «Сен мени севмайсан», — деб эрингизни ўринсиз айбламанг. Уни тушунишга, унга ёрдам беришга, уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинг.

Эрини узлуксиз камситадиган, арзимаган нарсадан жанжал чиқарадиган аёллар эрларининг ўз оиласидан қочиб кетишига сабаб бўладилар.

Моддий таъминот

Эркак киши уйланишдан аввал оиласини қандай таъминлашини билиши керак. Албатта, пул инсонга бахт олиб келмайди. Лекин ҳаётда пул маълум аҳамиятга эга. Ейиш, кийиш, яшаш учун пул керак бўлади.

Ташқи кўриниш

Атрофимиздаги одамлар, аввало бизнинг ташқи кўринишимизга қарайди. Оилада ҳам эрингиз ёки хотинингиз сизнинг пала-партиш юришингизга, сиздан бадбўй ҳид таралишига чидаб юришга мажбур эмас. Аксинча, турмуш ўртоқлар ташқи кўриниши билан бир-бирини ўзига жалб қилиши керак. Қизлар одатда

тўйдан олдин куёви учун безанадилар. Тўйдан кейин эса, сочлари бир аҳволда, эски халатда юрадилар. Қадрли аёллар, эрингизнинг кўзлари бошқа аёлларга қарамаслиги учун ташқи кўринишингизга эътибор беринг: шахсий гигиенангизни, сиздан хушбуй ҳид таралиб туришини назорат қилинг.

Айниқса эркаклар шахсий гигиена билан аёллардан икки баробар кўпроқ шуғулланишлари лозим. Битта пайпоқни икки кун киймаслик керак. Ҳар куни ишдан қайтгандан сўнг чўмилиш лозим. Бир кунда албатта икки марта тишларни тозалаш керак. Ички кийимларни ҳар куни алмаштириш мақсадга мувофиқ. Биз инсонлардан ҳайвоннинг ҳиди келмаслиги керак. Баланд, кенг хоналар қураётганингизда, қулай ҳаммом қуришни ҳам унутманг.



ЭРНИНГ ОИЛАДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Оиланинг боши — эр ва бу ҳақиқат. «Хотинга эса: Сенинг хомиладорлигингда азобларингни ўта кўпайтирмаман. Фарзандларингни азобда туғасан. Иштиёкинги эрингда бўлади, у эса сенинг устингдан ҳукмронлик қилади, — деди» (Ибт. 3:16). Эр оиланинг устидан ҳукмрондир.

Одам гуноҳга ботгандан кейин, Худо ундан нима учун итоатсизлик қилганини сўраганда, Одам ўз сўзидан тонди ва ўз мардлигини йўқотди. Ҳақиқий эркак ўзининг ишлари учун жавобгарлик олиши керак. Агар ўшанда Одам: «Худованд, мени кечир», — деганда эди, Худо уни кечирган ва у янги ҳаётга эга бўлган бўлар эди. Аммо у Худони ва хотинини айблади ва деди: «Сен менга берган хотин шу дарахт мевасидан менга берди».

Эр уйнинг дирижёридир. У қандай кўрсатса, оила аъзолари шундай мусиқа чалади. Эфесликлар Китоби бешинчи бобда: «Бир-бирингизга Худонинг кўркувида бўйсунинглар.

Хотинлар, сизлар Раббийга бўйсунганларингдек, ўз эрларингизга бўйсунинглар», дейилган. Эркак киши учун ҳукмдорнинг яққол мисоли — бу Исо Масихдир. Исо Масих ҳеч қачон Ўз йўлидан қайтмаган.

Эркак киши қандай ва ниманинг устидан ҳукмронлик қилиши керак?

Ҳақиқий эркак ўз хотини учун эр, фарзандлари учун ота бўлиши лозим. Тўқсон фоиз фоҳишалар, гиёҳвандлар, гомосексуалистлар — отасиз ўсган кишилардир. Сталиннинг отаси ўлганда, ўғли хурсандчиликдан онаси билан рақсга тушган. Чунки у уйида отаси билан эмас, балки диктатор билан яшаб келган эди. Италиядаги фашизмнинг асосчиси — Муссолини ўз отасидан нафратланган. У болалик нима эканини билмай ўсган. Унинг отаси уйда бўлганда, у ёки бу партия ҳақида гапирар, уни фақат сиёсат қизиқтирар эди. Муссолини отасизликнинг қурбонига айланди. Оилада ота ўз вазифасини бажармаса, она оиладаги ҳамма жавобгарликларни ўз бўйнига олишига тўғри келади. Отасизлик — энг даҳшатли нарсадир.

Муаммоларнинг устидан

Эркак кишидан оиладаги муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Бунинг учун у Худо-

нинг Сўзини билиши лозим. У оиласини ҳар бир қийинчиликдан Худонинг Сўзи бўйича олиб чиқиши керак. Муаммолардан жанжал кўтармай, ҳеч кимга бақирмай, Раббийга бўйсуниб чиқиш керак. Чунки бир муаммо устида жанжал кўтариш — янги муаммони келтириб чиқаради.

Эркак киши оиладаги яхши кунларда тўрда ўтириб, қийин кунларда эса хотинини югуртириши ярашмайди. Айрим эрлар ўзлари туғдирган муаммолар борасида гаплашиш учун телефон жиринглаб қолса, гўшакни хотинларига бериб: «Ўзинг бирон нима деб юбор», — дейдилар. Ёки болаларининг мактабидаги ота-оналар мажлисига хотинларини юборадилар. Ҳамма муҳим муаммоларни эркак кишининг ўзи ҳал қилиши керак, хотини эса унга ёрдам бериши керак, холос.

Хасталикнинг устидан

Оила аъзоларидан бири бирон хасталикка учраганда, эркак киши имон билан шифолаш учун нотабий мойланишга эга. Исо Масих: «Қўлларингизни касалларга қўйганингизда, улар шифо топадилар», — деб айтган.

Мен ўз ҳаётимдан гувоҳлик айтиб бермоқчиман. Бир неча йил илгари, кичкина қизим

аста-секин ориқлашни ва териси оқаришни бошлади. Биз хотиним билан уни шифокорларга кўрсатганимизда, улар бизга унинг буйрақларида хасталик борлигини айтишди. Шу куни кечки пайти қизимга, у нима билан оғриётганини ва Исо Масиҳ уни шифолай олишини айтдим. Қизим биздан ўзи учун ибодат қилишимизни сўради.

Мен қизимнинг бошига қўлларимни қўйиб, шифоучунибодатқилдим. Эртасикуниқизим ўзини яхши ҳис қилаётганини айтди. Биз шу куннинг ўзида шифохонага яна қайтадан кўриқдан ўтиш учун бордик. Ташхислар қизим бутунлай соғайиб кетганини кўрсатар эди. Шундай қилиб, отанинг ибодати катта кучга эга эканини унутманг.

Оиланинг руҳий ҳолати устидан

Бир инсон: «Ниагара — оламнинг мўъжизаси эмас, ота оила аъзоларига Худонинг Сўзини ўқиб-ўргатиши энг катта мўъжизадир» деган эди. Оила — бу кичик жамоат, бу жамоатнинг чўпони сизсиз десак бўлади. Оиласида руҳоний бўла олмайдиган эркак, жамоатда ҳам яхши хизматкор бўла олмайди. Ўзининг кичик оиласида чўпонлик қила олмайдиган эркак, катта жамоатда, боз устига чўпонлик қила олмайди.

Шайтон оилани бузишни истайди. Эркак киши эса оиласининг рухий қўриқчиси бўлиши керак. Имон билан қилинган ибодатлари билан душманнинг ишларини барбод қилиши лозим. У баланд овозини ва жаҳлини хотинига ёки фарзандларига эмас, шайтонга қаратса мақсадга мувофиқ бўлади.

ХОТИННИНГ ОИЛАДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Аёл киши эрининг орзуларини рўёбга чиқишида кўмаклашиши керак

Хотиндан эрининг орзу-ниятларига хурмат билан ёндашиши ва шу орзулар амалга ошишида кўмаклашиши талаб этилади. Эр ўзининг мақсадлари ҳақида хотинига айтганида, хотини бу мақсадлар учун ибодат қилиши зарур.

Муқаддас Ёзувда эрлари ўз даъватига киришида иштирок этган аёллар ҳақида ўқиймиз. Жумладан, Иброҳимнинг хотини Соро Худо Иброҳимга ваъда берган даъватга киришида иштирок этди.

«Имон билан Иброҳим ваъда қилинган ерда ўзга юртда яшагандек истиқомат қилди ва насиб бўладиган ўша ваъданинг ҳамворислари бўлган ўғиллари Исҳоқ ва Ёқуб билан бирга чодирда яшади. Чунки у янги шаҳарни кутаётган эди. Шу шаҳар асосининг яратувчиси ва қурувчиси Худодир. Имон билан Соронинг ўзи ҳам

хомиладор бўлишга қувват олди ва ёши ўтган бўлса-да чақалоқ туғди, чунки у ваъда Берганинг содиқ эканини билар эди. Шунинг учун деярли ўлик бўлган биттадан кўкдаги юлдузлар ва денгиз соҳилидаги қум каби сон-саноксиз насл туғилди» (Ибр. 11:9–12).

Ўғил кўриш ҳақида Худо Иброҳимга айтди. Кейин Соро Исҳоқни туғди.

Довуднинг хотини эса аксинча йўл тутди. Эрининг ниятини ва мақсадларини танқид қилди ва бутун умрга бепушт бўлиб қолди.

Албатта, мен тўғри орзулар ҳақида айтяпман. Тўғри орзулар одатда миядан эмас, юракдан келади. Фарзандингизнинг кийимига пул сарфлашни истамай, машина олишни орзу қилиш эса аҳмоқликка киради.

Хотин — эрнинг ҳаётдаги шеригидир

Хотин эрнинг ишларида ёрдам бериши керак. Худо аёлни эркакнинг қовурғасидан яратди. Нима учун қовурғадан? Менимча, қовурға юракка яқин аъзо бўлгани учун бўлса керак. Ҳа, Худо аёлни мияга яқин қилиб эмас, юракка яқин қилиб яратди. Шунинг учун хотин эрининг доим миясига ўйнамай, унинг юраги билан розиликда яшаши лозим.

Ҳақиқатан ҳам, эркакларнинг калласи доим жойида бўлади, аммо юраги кўпинча бўш

бўлади. Хотиндан эса, эрнинг юрагига далда бўлиш талаб этилади. Хотин эрининг дардларини эшитиши, муваффақиятсизликларида қўллаб-қувватлаши керак.

Хотин эрига бўйсунуши шарт

Бўйсунуш — хотин ўзининг устидан эрининг ҳукмронлигини тўлиқ тан олишидир. «Хотинлар, ўз эрларингизга бўйсунинглар», дейилган. «Эрлар, хотинларингни бўйсундириглар», дейилмаган. Аёл киши ўз ихтиёри билан эрига итоат қилиши керак.

«Хотинлар, Раббийга бўйсунгандек, эрларингизга ҳам бўйсунинглар» (Эф.5:18). Биз Раббийга қандай бўйсунамиз? Хурсандчилик билан. Эрингизнинг айтганини ҳам хурсандчилик билан бажаринг. «Жамоат Масихга бўйсунганидек, хотинлар ҳам эрларига ҳамма нарсада бўйсунсинлар» (Эф. 5:24). Хотинлар эрларига ҳамма ахлоқ чегарасидаги нарсаларда бўйсунушлари лозим.

Камтарлик билан сўзсиз хизмат қилиш

«Хотинлар, сизлар ҳам ўз эрларингизга бўйсунинглар, токи улардан Сўзга итоат қилмаётган баъзилари сизларнинг Худодан кўриқиб кечираётган пок ҳаётингизни кўриб, юриштуришингиз туфайли сўзсиз имонга келсинлар» (1 Бут.3:1).

Катта уйда жанжалкаш хотин билан яшадан кўра, тинчлик билан кичик уйда яшаш яхшироқ. Жанжалкаш аёллар ўз аёллик назокатини йўқотгандирлар. Улар уйда эри билан, кўчада қўшнилари билан жанжаллашадилар.

Аёлларга камтарлик ва одоблилик ярашади. «Сизларнинг безакларингиз ўрилган соч, олтин тақинчоқ ва чиройли кийимлардан, яъни, ташқи зеб-зийнатдан иборат бўлмасин. Аммо сизларнинг безакларингиз ювош ва сокин руҳдаги чиримас гўзалликда бўлган қалбдаги яширин инсон бўлсин. Худо ҳузурида мана шу қимматбаҳодир» (1 Бут. 3:3–4). Худо безанишни таъқиқлаётгани йўқ. Лекин эрингизни ўзингизга ром қилишнинг йўли фақат ташқи гўзалликдан иборат эмас. Аёллик назокати — бу тақинчоқлар, атир-упа ҳисобланмайди. Аёл гўзал, аммо аҳмоқ бўлиши мумкин. Ички ва ташқи гўзаллик — икки хил тушунча ҳисобланади. Ички гўзаллик ташқи гўзалликдан устун туради. Аёллар одоб билан гапириши, юриб-туриши лозим.

Худонинг бир буюк хизматкори ўзининг хотини ҳақида сўзлаб берган эди. У хотинини Исо Масихга ишониши учун қаттиқ қувғин қилган. Бир куни у, хотини жамоатга хизматга кетганда, хотини уйга кира олмаслиги учун эшикни қулфлаб қўйган. Хотини уйига келганда, эшик ёпиқлигини кўриб, тун бўйи эшикнинг таги-

да ўтириб ибодат қилиб чиққан. Эрталаб эри ишга бориш учун чиқиб кетаётганда, хотини унга: «Нонушта қилмагунингча ишга кетмайсан», — деб айтган. Хотинининг бундай муносабатини кўрган эри, ўша заҳоти йиғлаб, Исо Масихга имон келтирган. Келажақда бу инсон минглаб одамларга Исо Масих учун хизмат қилди. У хотинининг гаплари ёки воизликлари билан имонга келгани йўқ. Эри унинг имонини — эрига бўлган тўғри муносабати, камтаринлиги ва эрига нисбатан эзгу юракка эга бўлгани учун кўра олди.

«Эзгу хотин — эрининг бошидаги тожи; шарманда хотин эса — эрининг суякларидаги чириндидир» (Ҳик. 12:4).

Агар оилада тўғри тартиб ва қоида бўлса — бу механизм кучли ишлайди. Фақат Худонинг Сўзида бахтли оиланинг қоидалари ёзилган.



ФАРЗАНДЛАР

Бола тоза вараққа ўхшайди. Бу варақни Худонинг Сўзи билан тўлдириш керак. Бугун кўп ота-оналар болаларига тарбия беришга вақтлари йўқлигини пеш қилдилар. Агар ота-она фарзандига тўғри нарсани ўргатмаса, кўча ёки телевизор бу варақни нотўғри тарбия билан тўлдиради.

Бола ҳар доим билимга муҳтож бўлади. Шунинг учун, у ота-онасининг ёнига ҳар хил саволлар билан келади. Бола отасига савол билан мурожаат қилганида, отаси унга: «Бор онангдан сўра», — деса, онаси: «Бор ўйнаб тур», — деса, бола кейинги сафар савол туғилса ҳам, сўрамайдиган бўлиб қолади. Натижада, ўзини қизиқтирган нарсаларга ўзи жавоб бериб улғайган йигит ёки қиз, оила қурганидан кейин ҳам турмуш ўртоғи билан ўз кечинмалари ҳақида бўлиша олмайди. Бундай кишилар: «Ҳеч ким мени тушунмайди, ҳеч ким менга ёрдам бера олмайди», — деб ўйлайдилар. Улар ёшлигидан атрофидаги одам-

ларга ишонмайдиган бўлиб катта бўладилар ва келажакда яхши дўст орттира олмайдилар. Шундай экан, фарзандларингизга қандай муносабатда бўлаётганингизга эътибор беринг.

Ҳар бир ота-онанинг вазифаси — фарзандини бахтли қилишдир. Инсон нечта болани бахтли қилиб улғайтиришга вақти етса, шунча бола туғиши керак. Агар фарзандингиз билан суҳбатлашишга, у билан бирга ўйнашга вақтингиз бўлмаса, унда бола туғманг.

Биз ишонамизки, фарзандлар — бу Худонинг инъомидир. Ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам — Худо берган иноятдир. Бизнинг халқимизда, одатда ҳамма оилалар ўғил фарзанд туғилишини кутадилар, қиз боладан эса туғилган пайтиданоқ юз ўтирадилар. Ўша дунёга келишини ҳеч ким истамаган қиз чақалоқларни келажакда ақлли қизлар, доно хотинлар, меҳрибон оналар бўлиш кутмоқда. Агар аёл зоти туғилишидан юз ўтириладиган бўлса, қандай қилиб келажакда бахтли оилаларни, қолаверса, бахтли миллатни кутиш мумкин?

Кўпинча, оталар хотини қиз туққанини эшитиб, туғруқхонага фарзандини олиб келгани ҳам бормайдилар. Аммо қизни ҳам, ўғилни ҳам инсонга Худованд беришини билишимиз лозим. Болалар туғилиши — бу буюк мўъжи-

за. Бу жараёнда на эр ва на хотин ўз хоҳишлари бўйича ҳаракат қила оладилар.

Менинг икки қизим бор. Яратганга улар учун минг бора шукрлар айтаман. Агар учинчи ва тўртинчи фарзандимиз ҳам қиз бўлишса, мен фақат хурсанд бўламан.

Биласизми, менинг биринчи қизим дунёга келганда, хурсандчиликдан бошимиз осмонга етган эди. Лекин қариндошларимиз бизга: «Майли, кўявер, иккинчиси ўғил бўлади», — дедилар. Улар бу гаплари билан менинг шодлигимга шерик бўлмасдан, аксинча, мени юпатмоқчи бўлдилар. Иккинчи қизим туғилганда эса, ҳеч ким мени табрикламади, фақат: «Сенга ҳам Худо ўғил бериб қолар», — дедилар.

Қизларга нисбатан бунчалик салбий муносабат қаердан илдиз отди? Охирги дақиқагача ота-онасига меҳрибон бўлиб қоладиган — аслида қизлар эмасми? Халқимиз аёлларни «иккинчи даражали инсонлар» деб биладилар. Уларнинг фикри муҳим аҳамиятга эга эмас. Улардан фақат талаб қиладилар.

Исо Масих аёл кишининг қадр-қимматини кўтарди. Муқаддас Ёзув эркак киши ҳам, аёл киши ҳам Худонинг қаршисида бир хил имтиёзларга ва жавобгарликларга эгаллиги ҳақида айтади. Эркаклар аёллардан ўзларини устун қўйиб, улардан фойдаланишлари нотўғри.

Тухум хужайралари қўшилган пайтдан бошлаб ҳомила — инсон ҳисобланади. Аборт эса қотилликдир. Ота-оналар ўз фарзандларининг қотилига айланмаслиги, аксинча, уларни ҳимоя қилишлари зарур. Она қорнидаги гўдаклар, ота-оналарининг уларга бўлган муносабатларини ҳис қиладилар. Шунинг учун норозилик билан дунёга келган, ҳеч ким томонидан кутилмаган болалар, кўп йиғлайдиган, кулиш нималигини билмайдиган, ғамгин бўлиб туғиладилар.

Бир илмий тажриба ўтказилган: ҳомиладор аёлни кўзларини боғлаб, қоронғу хонага ўтирғизиб, қорнидаги боланинг юрак уришини текширганлар. Аёлнинг ёнидан навбат билан йигирмата эркакни ўтказганлар. Йигирма биринчи эркак, боланинг отаси бўлган. Отаси ёнига яқинлашган заҳоти, боланинг юраги тез уришни бошлаган.

Шундай қилиб, она қорнидаги бола атрофдагиларнинг ҳузурини ҳис қилар экан, боз устига, у ҳақида айтиладиган сўзларни у албатта эшитади ва тушунади.

Отаси воз кечган қизлар келажакда фоҳиша бўлиб етишишининг эҳтимоли жуда катта. Чунки, ўз отасининг меҳрига эришмаган қиз, бошқа эркаклардан ўзига керакли меҳрни излайди. Кичкиналигида отасидан «эси паст», «қанжиқ» каби ҳақоратларни эшитиб

ўсган қизлар, келажакда ҳамма эркакларга, шунингдек, ўз турмуш ўртоқларига ва ўзларининг ўғилларига нисбатан салбий муносабатда бўладилар.

Азиз синглим! Агар сиз бу сатрларни ўқиб, ўзингизнинг ҳаётингизни кўраётган бўлсангиз, мен сизга хушхабар айтмоқчиман. Самода ҳар биримизни яратган севувчи Отамиз бор. У сизнинг ҳам ҳаётингизни бахт билан, юрагингизни қувонч билан тўлдиришни истайди. У бизни яратди ва ҳеч қачон ташлаб кетмайди. У биздан юз ўтирмайди. У бизни қандай бўлсак, шундайлигимизча қабул қилади ва севади. Юрагингизни самовий Отангизга очишни, ерлик отангизни Худонинг кучи билан кечиришни бошланг. Самовий Ота ҳар бир фарзанди учун алоҳида тақдирга ва буюк режаларга эга. Буларнинг ҳаммаси Унинг Сўзида ёзилган. Муқаддас Китобни ўқиб, ўз ҳаётингизни янгидан бошлашда, ўзингиз ҳақингиздаги ҳақиқатни билишда Раббимизнинг Ўзи сизни қўлласин.

Болалар тарбияси

Фарзандларга ҳаётдаги тўғри кадриятларни сингириб боришимиз зарур. Бундай кадриятлардан бири — ишончдир. Мен доим фарзандларимнинг ишончини қозонишга уринаман,

токи улар ҳар қандай вазиятда менга таяна олсинлар. Бола ота-онасига ўз қалбини оча олсагина, ўша қалби билан ота-онасининг маслаҳатларини қабул қила олади.

Бир куни менинг катта қизим олдимга келиб, менга бир болани севиб қолгани ҳақида айтди. Қизим ўша пайтда беш ёшда эди. Мен ўзимча ўйладим, агар ҳозир: «Бунақа гапни иккинчи маротаба эшитмайин, ҳали сенга севишга анча эрта», — деб жавоб берсам, қизимнинг мана шу соҳадаги менга бўлган ишончини йўқотаман. Бундай жавобдан кейин, қизим мен билан ҳеч нарса ҳақида ўрмоқлашмай қўяди. Шунинг учун мен унга: «Биласанми қизим, мен ҳам биринчи синфга борганимда, бир синфдош қизни ёқтириб қолган эдим. Бундай ҳиссиётлар вақти-вақти билан келиб-кетиб туради. Аммо ҳаққоний севги — бу жуда катта жавобгарлик. Сен ҳали кўп йиллар давомида бу севгига ўрганиб боришинг керак», — деб тушунтирдим. Шундан кейин, қизимнинг ўзи менга: «Дадажон, мен ҳали бундай жавобгарликка ёшлик қиламан», — деди ва бир неча кундан кейин: «Мен у болани энди севмайман», — деб айтиб қолди.

Биласизми, фарзандларимиз бундай сюрпризларни чиқаришга уста. Биз ота-оналар эса, уларга ҳамма нарсани тўғри тушунтира

олишимиз керак. Уларга бирон-бир нарсани таъқиқлагандан кўра, керакли йўлни кўрсатиш, улар билан дўст бўлиш яхшироқ.

«Агар кимдир ўзиникилар ҳақида, айниқса, ўз хонадони ҳақида ғамхўрлик қилмаса, у имондан воз кечгандир ва имонсиз одамдан ҳам баттардир» (1 Тим. 5:8). Дабдабали иморат ва қиммат жиҳозлар оилада яхши муҳитни ярата олмайди. Оила аъзоларининг орасидаги ўзаро севги, ҳурмат ва ғамхўрлик хонадонга фойда бағишлайди. Бундай муҳитда улғайган фарзандлар келажақда ўзлари ҳам яхши она ва ота бўлишга интиладилар.

Болаларни қандай жазолаш тўғри?

«Болани жазосиз қолдирма; хивич билан жазолаб, унинг жонини жаҳаннамдан сақлаб қоласан» (Ҳик. 23:13,14). Болаларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари учун уларни жазолаш шарт. Айрим ота-оналар фарзандларига жанжаллашишни, сўкишни, ўғирлашни ўргатадилар. Билинги, бунга ўхшаш барча фазилатлар — шайтондандир. Наҳотки сиз бўлажак қотилни, ўғрини, безорини туққан бўлсангиз? Аксинча, сиз фарзандингизнинг аҳмоқликларини хивич билан жазолашингиз ва унга нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўргатишингиз лозим.

Болани жаҳл устида жазоламаслик керак. Чунки жаҳли чиққан одам ўзи истамаган ҳаракатларни қилиб қўйиши мумкин. Ҳеч қачон болани қонига бўяб уриш инсоннинг иши эмас. Бола сизга жаҳлингиз чиққанда, ундан аламингизни олиш учун берилмаган.

Жаҳддан тушгандан сўнг, болани албатта ножўя иши учун жазоланг. Жазолашнинг энг яхши йўли — бу болани нимадандир вақтинчалик маҳрум қилиш. Масалан, унча оғир бўлмаган хатолар учун бир кун телевизор кўришдан, кўчада ўртоқлари билан ўйнашдан маҳрум қилиш мумкин. Бола хато қилгандан сўнг шунчаки жазоламанг, албатта сўзлар билан ҳам, айнан нимани хато қилганини тушунтиринг. Иккинчи маротаба ушбу хатони такрорламаслик учун, бола нима учун жазо олаётганини тушуниши керак.

Болага ўн ёшдан кейин қўл кўтариб жазолаш, унинг тўғри йўлга эмас, балки ёмон йўлга киришига сабаб бўлади. Эсини таниб қолган йигит-қизлар ота-онасидан ваҳшийларча калтак еганда ёки ҳақорат эшитганда, уларнинг юракларида хафагарчилик, нафрат, кўнгил совиш пайдо бўлади. «Оталар, фарзандларингиз тушкунликка тушмасликлари учун уларнинг жигига тегманглар» (Кол. 3:21).

Болаларни тўхтатиш ёки ухлатиш учун «ялмоғиз кампир», «халтали бобой», «ит», «ми-

лиция» сўзлари билан кўрқитманг. Доимо ваҳимада юрадиган болалар, келажакда ҳаммадан ва ҳамма нарсадан кўрқадиган бўлиб қоладилар. Сиз сўзларингиз билан уларнинг юрагига қувонч, тинчлик, умид ва севги беринг.

Унутманг, болангизга нисбатан ноҳақ йўл тутганингизни тушунган пайтда, албатта ундан кечирим сўранг. Агар болангиз бошқа оила аъзоларига нисбатан ноҳақ бўлса, улардан бориб кечирим сўрашни ўргатинг. Болага нима эксангиз, эртага шуни ўриб оласиз. Болалар ўз ота-оналарини кўрсатиб турадиган кўзгуга ўхшайдилар.

Фарзандларингизга ҳар куни Муқаддас Ёзувдан ўқиб, уларнинг тилида тушунтириб беринг.

Истеъдод

Фарзандларингиз нимага қизиқишига қараб, улардаги қобилиятларини билиб олишингиз мумкин. Одатда бола ота-онасидан ўқишга киришига ёрдам беришларини сўраса, ота-она унга: «Ўқиб ким ҳам бўлар эдинг?» — дейдилар. Ҳар бир бола Худодан махсус истеъдод ва инъомларга эга. Жамиятимизда буюк шифокорлар, шоирлар, тадбиркорлар етишиб чиқиши, сиз ота-оналарга боғлиқ. Қў-

лингиздан келганича, фарзандингизни ўқитишга, билим беришга ҳаракат қилинг.

«Болага ҳаётининг бошидан тарбия бериши бир жойга етганда ҳам берган тарбияндан четга чиқмайди» (Ҳик. 22:6).



ФАРЗАНДЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ота-оналар фарзандларига нисбатан мажбуриятларга эга бўлганидек, фарзандларнинг ҳам ота-оналарига нисбатан мажбуриятлари бор. «Болалар, ўз ота-оналарингизга Раббийда итоат қилинглар, чунки бу тўғридир. Ўз ота-онангни хурмат қил – бу ваъдага эга бўлган биринчи амрдир – токи сенга эзгулик бўлсин ва ер юзида узоқ яшай олгин» (Эф. 6:1–3).

Фарзандлар ота-оналарига «қарилар ёшларни тушунмайди», — деб, уларга нисбатан исёнкор бўлмасликлари керак. Уларни ҳақорат қилмаслик, улардан нолимаслик, қарғамаслик, улар ҳақида ёмон сўз айтмаслик лозим. Ота-онани хурмат қилишни Худованд буюрган ва айнан Худованд ота-онага бўлган хурматсизликни жазолайди.

«Ким ота-онасини ёмонласа, зулматда унинг нури ўчиб қолади» (Ҳик. 20:20). Бу амр келин ва куёвларга ҳам тегишли. Қайнона ва қайнота, яъни турмуш ўртоғингизнинг ота-о-

наси ҳам сизнинг ота-онангиз ҳисобланади. Уларни ёмонласангиз, ҳаётингизда Худонинг марҳамати бўлмайди. Мана нима учун қанчадан-қанча оилалар бахтсиздирлар. Чунки халқимизнинг оғзидаги энг қалтис латифалар қайноналар ҳақидадир. Қайнонасидан норози бўлган келин ёки куёвнинг оиласида нур бўлмайди.

Шундай қилиб, юқорида ҳамма айтиб ўтганларимга хулоса қилмоқчиман:

1. Хотинлар, Раббийда бўлганингизга муносиб равишда эрларингизга бўйсунинглар.
2. Эрлар, ўз хотинларингизни севинглар, уларнинг ҳаётини аччиқ қилманглар.
3. Болалар, ҳамма нарсада ўз ота-оналарингизга итоат қилинглар, чунки бу Раббийга маъқулдир.
4. Оталар, фарзандларингиз тушкунликка тушмасликлари учун уларнинг жиғига тегманглар (Кол. 3:18–21).

Энди навбат ибодатга. Ҳозир бутун юрагимиз билан Худовандга ўз оиламиз учун ибодат қиламиз:

Яратган Раббим! Менинг оиламни Ўзинг дуо қилгин. Менинг оила ҳақидаги нотўғри тушунчаларимни ва оила аъзоларимга нисбатан ноҳақликларимни Ўзинг кечиргин. Менинг юрагимни ва онгимни Муқад-

дас Сўзингдаги ҳақиқатлар билан ўзгартиргин ва Ўз севгинг билан тўлдиргин. Исо Мисих, бизнинг оиламизда Сенинг нажотинг ва ҳақиқатинг бўлсин. Бизни ҳимоя қилгин. Яхши эр, хотин, ота-она ва фарзанд бўлишга менга ёрдам бергин. Бизнинг оиламиз орқали Сенинг Муқаддас Исминг улуғлансин! Омин.





МУҲДАРИЖА

1. Оила нима?.....	3
2. Танлов ва никоҳ.....	12
3. Севгининг беш хил тили.....	29
4. Оиладаги табиий эҳтиёжлар.....	33
5. Эрнинг оиладаги вазифалари	36
6. Хотиннинг оиладаги вазифалари	41
7. Фарзандлар.....	46
8. Фарзандларнинг мажбуриятлари	56